

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ИСАМИТДИНОВА НИЛУФАР ШАХОБОВНА

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ АРИД ҲУДУДЛАРИДА РЕВМАТОИД
АРТРИТ БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЧАДИГАН АУТОИММУН
ТИРЕОДИТНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Исамитдинова Нилуфар Шахобовна

Бухоро вилоятининг арид худудларида ревматоид артрит билан биргаликда кечадиган аутоиммун тиреодитнинг ўзига хос кечиши..... 3

Исамитдинова Нилуфар Шахобовна

Особенности течения ревматоидного артрита ассоциированного с аутоиммунным тиреодитом в аридных зонах Бухарской области.....23

Isamitdinova Nilufar Shakhobovna

Features of the course of rheumatoid arthritis associated with autoimmune thyroiditis in arid zones of the Bukhara region 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ИСАМИТДИНОВА НИЛУФАР ШАХОБОВНА

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ АРИД ХУДУДЛАРИДА РЕВМАТОИД
АРТРИТ БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЧАДИГАН АУТОИММУН
ТИРЕОДИТНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib.3129 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурбоев Фармон Эргашович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тожикистон давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 1 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ревматоид артрит (РА) - тизимли аутоиммун ревматик касаллик бўлиб, унга бўғимлар синовиал қобикларининг яллиғланиши, тоғай ва суяк тўқималарининг прогрессияланувчи емирилиши, бўғимдан ташқари бошқа аъзолар зарарланиш белгилари хос. Дунёнинг кўпгина давлатларида бўғимларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари қаторида РА туфайли касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 20 млн. га яқин аҳоли РА билан касалланади, улардан 50-55 % биринчи 5 йил ичида ногирон бўлиб қолади¹. Шу сабабли РА замонавий тиббиётда ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бўғимдан ташқари клиник белгилар, хусусан, эндокрин тизимдаги бузилишларнинг бугунги кунда энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири сифатида эътироф этилиши, нафақат касалликнинг кечишида асосий ўринни эгаллаши билан бирга эрта ногиронликка олиб келиши эҳтимоли билан ҳам изоҳланади. Ревматоид артрит ва аутоиммун тиреоидитнинг келиб чиқишида, генетик омиллар билан бир қаторда иқлимнинг кучли таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аутоиммун тиреоидит (АИТ) - бу қалқонсимон безнинг аутоиммун жараён туфайли яллиғланишидир. АИТ меҳнатга лаёқатли катта аҳолининг 2 % ва асосан аёлларда учраб, ревматоид артрит, 1-тип қандли диабет, витилиго ва бошқ. каби бир қатор аутоиммун касалликлар кластерида етакчилик қилади.

Жаҳон миқёсида клиник амалиётда турли иқлимий-географик ва экологик ҳудудларда РАнинг ўзига хос кечишини ўрганиш ҳамда олдини олиш чоратадбирларини такомиллаштириш, айниқса бир қатор ҳамроҳ касалликлардан азият чекаётган беморларда реабилитация стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу икки касалликнинг ривожланиши оғир ногиронликка олиб келади, ҳаёт сифатини пасайтиради, ҳамда функционал чекловларни оширади. АИТ билан ассоцирланган РАнинг иқлимга оид хусусиятлари бўйича энг кам ўрганилган минтақаларга Марказий Осиёнинг кўпгина давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам киради.

Республикамизда АИТ билан ассоцирланган РАда кечишининг ўзига хос хусусиятлари муҳим бўлиб қолмасдан, балки ногиронликка ва ҳаттоки ўлимга сабаб бўлиши мумкинлиги билан ҳам бугунги кунда энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. “...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...”² каби

¹ ЖССТ Европа регионид асосий саломатлик кўрсаткичлари. ЖССТ, 2014 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга ошириш орқали оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш, яъни касаллик хавф омилларини бартараф этиш, аҳоли орасида бўғим касалликларини эрта ташхислашни янада такомиллаштириш ҳамда ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. РАнинг қалқонсимон без патологияси билан биргаликда келиши муаммосига маҳаллий ва хорижий адабиётларда катта эътибор берилмоқда, бу ушбу патологияларнинг кўп учраши, иммуногенетик мойиллик, иммунопатогенез механизмлари ва ушбу касалликлардаги гормонал бузилишлар билан изоҳланади. Маълумотларга кўра, РА билан оғриган беморлар орасида қалқонсимон без патологиясининг тарқалиши 28% ни ташкил қилади (Pourak Fallahi, Silvia Martina Ferrari, Ilaria Ruffilli, 2016), Хашимото тиреоидити эса 4%-13,5% учрайди. Швецияда олиб борилган тадқиқотда беморларга РА ташҳиси қўйилгандан кейин АИТ билан касалланиш камайгани қайд этилган, бу эса РАни даволашда қўлланилган дори воситалари таъсири билан боғлиқ (Waldenlind K, Saevarsdottir S, Bengtsson C, 2018).

Ревматологик касалликлар билан оғриган беморларда қалқонсимон без аутоиммун патологияси ривожланиши кўп учрайди, бу мазкур касалликлар ривожланишида умумий иммунологик механизмлар мавжудлиги билан изоҳланади. Бу эса ревматологик касалликларга чалинган беморларда қалқонсимон без функциясини скрининг баҳолаш заруриятини белгилайди. Аҳоли орасида аутоиммун касалликлар учраш даражаси 5-8 %ни ташкил қилади (Lazurova I, Jochmanova 2014; P. Conigliaro 2016, L. Chaker 2017). Ушбу иккала гуруҳ касалликлари орасида аутоиммун жараёнлар устунлик қилиб, бу бир томондан қалқонсимон без (ҚБ) патологияси ва бошқа томондан РА ўртасида яққол намоён бўлади (Насонов Е.Л., Александрова Е.Н., Новиков А.А, 2015; P.Conigliaro 2020).

Ўзбекистонда ревматоид артрит ва унинг эрта асоратларини олдини олиш муаммоларига бағишланган бир қатор муаллифлар (Ахмедов Х.С., 2019; Зиядуллаев Ш.Х., 2020; Шадикулова Г.З. 2022; Ахмедов И.А. 2022) илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо АИТ билан ассоцирланган РА хусусиятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмаган.

Адабиётларда учрайдиган қалқонсимон без ва ревматологик касалликлар ўртасидаги боғлиқлик муаммоларига оид кўплаб маълумотлар бир-бирига зид бўлиб, айниқса чўл зонасида яшовчи аҳоли ўртасида ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (22/26.05.2022) “COVID – 19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2022-2026 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қуруқ иссиқ иқлим шароитида аутоиммун тиреоидит билан ассоцирланган ревматоид артрит касаллигининг клиник-лаборатор ўзгаришлари, хавф омиллари ва даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Бухоро вилоятида ревматоид артритга чалинган беморларда касалликнинг кечиши, оқибати ва коморбидлигини ретроспектив таҳлил қилиш;

аутоиммун тиреоидит билан ассоцирланган ревматоидли артритда касаллик кечиш давомийлиги, фаоллик даражаси ва бўғим функционал ҳолатига таъсирини баҳолаш;

ревматоид артритли беморларда аутоиммун тиреоидит хавфини Бухоро вилоятининг қуруқ чўл иқлим шароитида ўзига хос кечишини таҳлил қилиш;

базис даволаш негизида ревматоид артритли беморларда аутоиммун тиреоидитнинг кечиши ҳамда клиник-лаборатор кўрсаткичларидаги ўзгаришларини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2018-2021 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (БВКТТМ) ревматология бўлимида даволанган 1245 нафар беморлар касаллик тарихининг ретроспектив, ҳамда 2021-2023 йилларда стационар ва амбулатор даволанган жами 120 нафар проспектив, шулардан 60 нафар РА ҳамда 60 нафар АИТ билан ассоцирланган РА беморлар ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида капилляр қон, беморлар веноз қон зардоби, пешоби олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда умумий клиник, биокимёвий, серологик, иммунофермент, гормонал текширувлар, инструментал текширувлар, сўровнома ва статистик усуллардан

фойдаланилган. Шунингдек, ҳамда ҳаёт сифати (HAQ) кўрсаткичлари, бемор руҳий ҳолати ҳам баҳоланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

куруқ иссиқ иқлим шароитида ревматоид артритга чалинган беморларда аутоиммун касалликларнинг учраши ва бирга қўшилиб келиши баҳоланиб, натижада бундай беморларда аутоиммун тиреоидитнинг кўп тарқалганлиги аниқланган;

аутоиммун тиреоидит билан асоцирланган ревматоид артрит беморларда бўғим функционал фаолиятини баҳоловчи VAS, DAS-28 ва SDAI индексларининг ортиши, шунингдек касаллик давомийлигининг узайиши, фаоллик даражасининг ифодаланиши билан қалқонсимон без функцияларининг пасайиши орасида корреляцион боғлиқликлар асосланган;

Бухоро вилоятининг экологик шароити ноқулай бўлган ҳудудларнинг турли иқлимий физик кўрсаткичлари (ўртача иқлим индекси – $K_{\text{ўр}}$, ҳаво дағаллик кўрсаткичи - S , иқлим ўзгарувчанлик индекси - K_i ва ҳаво намлиги – f) ҳамда касаллик фаоллиги (DAS28 ва SDAI) ва тиреоид таҳлиллар динамикаси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар мазкур касалликнинг арид ҳудудларда оғирроқ кечиши ва салбий оқибатларга олиб келиши аниқланган;

аутоиммун тиреоидит билан асоцирланган ревматоид артритли беморларда базис модификацияловчи дори воситаларига нисбатан ген инженериясига асосланган давонинг иккала касаллик клиник-лаборатор таҳлилларида ижобий самара бериши исботланган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аутоиммун тиреоидит билан асоцирланган ревматоид артритли беморларда касаллик хавф омилларини аниқлашга мўлжалланган махсус мезонлар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида ревматоид артритнинг серопозитив тури, юқори фаоллик ва узоқ давомийликдаги кечиши каби АИТни кучайтирувчи хавф омилларини назоратга олиш тавсия қилинган;

тадқиқот давомида аутоиммун тиреоидит билан асоцирланган ревматоид артритли беморларда қалқонсимон бездаги ўзгаришларни эрта ташхислаш ва даволаш орқали касалликнинг авж олиши ва асоратларининг олдини олишга эришилган;

аутоиммун тиреоидит билан асоцирланган ревматоидли артритли беморларда базис ва ген-инженер дори воситалари билан даволаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган назарий ҳамда амалий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг керакли миқдорда эканлиги, етарли даражада материал йиғилганлиги, қўлланилган текширув усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммунологик, асбобий ва статистик усуллар асосида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган

хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуруқ иссиқ иқлим шароитида РА беморларда аутоиммун касалликлар учраши ва кечиши баҳолангани, АИТ билан ассоцирланган ревматоид артритли беморлар орасида касаллик давомийлиги узоқ, юқори фаоллик ва серопозитив тури каби тиреоид патологияни кучайтирувчи хавф омилларни назоратга олиниши, тиреоид гормонлар ва антитаналарнинг миқдор кўрсаткичлари каби лаборатор кўрсаткичлар, шунингдек, беморларнинг бўғим фаолиятини баҳолаш индекслари (DAS-28, SDAI) билан таққосланиб, улар орасида узвий корреляцион боғлиқлик борлиги, базис ва ген-инженер дори воситалар билан даволаш негизида самарага эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аутоиммун тиреоидит билан ассоцирланган ревматоид артрит беморларда тиреоид патологиянинг учраш даражаси ва хавф омилларини аниқлашнинг махсус мезонлари, тиреоид патологияни кучайтирувчи хавф омилларини назоратга олиниши, эрта босқичда ташхислаш, даволаш, касалликнинг авж олиши, асоратлар ва ногиронликни олдини олиш ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 8 майдаги № 24-Z/021-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2022 йил 4-июлдаги 01-368 сонли хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: қуруқ иссиқ иқлим шароитида ревматоид артритга чалинган беморларда аутоиммун касалликларнинг учраши ва бирга кўшилиб келиши баҳоланиб, натижада бундай беморларда аутоиммун тиреоидитнинг кўп тарқалганлиги аниқланган ва Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Бухоро туман тиббиёт бирлашмаларида амалиётга тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 8н-р/393-сон хулосаси) *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: қуруқ иссиқ иқлим шароитида ревматоид артрит билан касалланган беморларда бошқа аутоиммун касалликларнинг юқори частотада ассоцирланишини инобатга олган ҳолатда касаллик оғирлик даражасини аниқлашга йўналтирилган ҳамда мақсадли даволаш усуллари қўллаш ҳисобига меҳнатга лаёқатсизлик кунларини камайтиришга эришилган.

иккинчи илмий янгилик: аутоиммун тиреоидит билан ассоцирланган ревматоид артрит беморларда бўғим функционал фаолиятини баҳоловчи ВАШ, DAS-28 ва SDAI индексларининг ортиши, шунингдек касаллик давомийлигининг узайиши, фаоллик даражасининг ифодаланиши билан қалқонсимон без функцияларининг пасайиши орасида корреляцион боғлиқликлар асосланган ва Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда

Бухоро туман тиббиёт бирлашмаларида амалиётга тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 8н-р/393-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: аутоиммун тиреоидит ассоцирланган ревматоид артритга чалинган беморлар орасида касаллик узоқ давом этиши, юқори фаоллик даража ва серопозитив турдаги беморларда тиреоид патологияни кучайтирувчи хавф омиллари назоратга олиниши, беморларида тиреоид гормонлар ва антитиреоид антитаналарнинг кўрсаткичлари, шунингдек, беморларнинг бўғим фаолиятини баҳолаш индекслари (DAS-28 ва SDAI) билан таққосланиб, улар орасида узвий корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди.

учинчи илмий янгилик: Бухоро вилоятининг экологик шароити ноқулай бўлган ҳудудларнинг турли иқлимий физик кўрсаткичлари (ўртача иқлим индекси – $K_{\text{ўр}}$, ҳаво дағаллик кўрсаткичи - S , иқлим ўзгарувчанлик индекси - K_i ва ҳаво намлиги – f) ҳамда касаллик фаоллиги (DAS28 ва SDAI) ва тиреоид таҳлиллар динамикаси ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар мазкур касалликнинг арид ҳудудларда оғирроқ кечиши ва салбий оқибатларга олиб келиши аниқланган ва Ѓиждувон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Бухоро туман тиббиёт бирлашмаларида амалиётга тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 8н-р/393-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ревматоид артрит касаллигида аутоиммун тиреоидитни эрта аниқлаш ва уни прогнозловчи клиник–лаборатор маркерларининг аҳамиятини ўрганиш асосида кейинчалик ривожланиш эҳтимоллиги бўлган асоратларнинг олдини олиш имконини берган ва эрта ташхисот натижасида ногиронлик кузатилиши мумкин бўлган беморлар сонини камайтиришга эришилган.

тўртинчи илмий янгилик: аутоиммун тиреоидит билан ассоцирланган ревматоид артритли беморларда базис модификацияловчи дори воситаларига нисбатан ген инженериясига асосланган давонинг иккала касаллик клиник-лаборатор таҳлилларида ижобий самара бериши исботланган ва Ѓиждувон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Бухоро туман тиббиёт бирлашмаларида амалиётга тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 8н-р/393-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: аутоиммун тиреоидит ассоцирланган ревматоид артритда даволаш усулларини янада такомиллаштириш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, жиддий асоратлар олдини олиш ва ногиронликни камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ревматоид артритга чалинган беморлар орасида аутоиммун тиреоидитни эрта ташхислаш ва шу орқали базис модификацияловчи ҳамда ген инженер биологик препаратлари орқали даволаш беморларда меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг қисқариши ҳамда касалхонада стационар даволанишга бўлган эҳтиёжнинг камайиши ҳисобидан ҳар 1 нафар бемор учун бюджетдан сарфланадиган харажатларни 1 050 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* ревматоид артритга чалинган беморлар орасида аутоиммун тиреоидитни эрта аниқлаш орқали 1 нафар

бемор учун бир йилда бюджет ҳисобидан 1 050 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш билан бирга 33% беморларда ногиронлик камайиб, ҳаёт сифати даражаси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, шу жумладан 3 таси халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 130 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ревматоидли артрит ва аутоиммун тиреодит ассоциацияси ҳақидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. РА ва АИТ касалликлари ассоциациясининг патологияси, ўзига ҳос кечиши ва патогенетик механизмлари ва даволаш ҳақидаги замонавий қарашлар изоҳланган. РАда қалқонсимон без шикастланиши эҳтимоли юқорилигини инобатга олган ҳолда, уни аниқловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурлиги асосланган. Биринчи боб олиб борилган илмий-тадқиқот ишининг муҳимлигини асослаб берувчи хулоса билан яқунланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ревматоид артритда аутоиммун тиреодит касаллигини аниқловчи сўровнома, клиник, лаборатор-инструментал текшириш усуллари, Бухоро вилоятининг иқлим-географик омилларини баҳоловчи тасниф, уларнинг диагностик аҳамияти, тадқиқот ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари изоҳланган.

Клиник-инструментал ва анамнестик тадқиқотлар. Тадқиқот иши 2 босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда Бухоро вилоятининг турли иқлимий-географик ҳудудларида РАнинг кечишини баҳолаш мақсадида 1245 нафар беморлар касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинган. Иккинчи босқичда БВКТТМ ревматология бўлимида 2021-2023 йиллар давомида стационар даволанган 120 нафар беморнинг проспектив таҳлили олиб

борилган. Улар ўз навбатида иқлим типларини тавсифлашнинг Кеппен Гейгер бўйича таснифига асосан Бухоро вилояти ҳудудининг: қуруқ, чўл иқлимли - Газли, Олот, Қоракўл туманларида (I ҳудуд) истиқомат қилувчи 60 нафар ҳамда ярим қуруқ иқлимли - Бухоро, Когон, Гиждувон туманларида яшовчи (II ҳудуд) 60 нафар беморлардан иборат гуруҳларга ажратилган. РА ташхиси Америка ревматологлар жамияти ва Европанинг ревматизмга қарши лигаси таснифи мезонлари асосида (ACR 2010 / EULAR, 2010 й) қўйилган. Шунингдек, иқлим омилларининг РА кечиши ва бўғим синдромига таъсирини - ўртача иқлим индекси $K_{ур}$, ҳаво дағаллиги - S, иқлим ўзгарувчанлик индекси K_i ва ҳаво намлиги f каби кўрсаткичлари асосида таҳлил қилинган.

I ҳудудга истиқомат қилувчи 60 нафар (16 нафар эркак ва 44 нафар аёл) ва II ҳудудда яшовчи 60 нафар беморлар (18 нафар эркак ва 42 нафар аёл) ўз навбатида, АИТ билан асоцирланган ва асоцирланмаган иккитадан кичик гуруҳларга бўлинди.

Кузатувдаги барча беморларда умумқабул қилинган – умумий қон, пешоб таҳлили, биокимёвий ва серологик – ревмо омил (РО), С-реактив оқсил (СРО), антистрептолизин-О (АСЛО), қондаги қанд миқдори, мочевина, креатинин, холестерин; циклик цитрулин пептидига антитана (ЦЦПА), шунингдек, тиреоид статусни баҳоловчи - эркин Т3 (0,7-2,0 нг/л), эркин Т4 (4,8-11,6 мкг/л), ТТГ (0,3-4,0 мМЕ/л), тиреопероксидазага антитана (ТПОга АТ, 30 ЕД/мл) ҳамда тиреоглобулинга антитана (ТГга АТ, 100 МЕ/мл) каби лаборатор таҳлиллар, ҳамда бўғимлар рентгенграфияси, қалқонсимон без ултратовуш текшируви (УТТ) каби инструментал текширувлар ўтказилди.

Ўз навбатида, иккала гуруҳдаги беморларда синтетик базис ҳамда ген-инженер биологик дори воситаларининг РА ва АИТ клиник-лаборатор таҳлилларидаги силжишлари даволашдан олдин ва кейин таққослама ўрганилди.

Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг таҳлилида ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (%) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилган. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Фаоллик даражаси кўрсаткичлари билан қатор бошқа биокимёвий таҳлил ёрдамида олинган натижаларнинг ўзаро боғлиқлиги Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишонччилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди. $P < 0,05$ ишонччилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Бухоро вилоятининг турли иқлимий–географик ҳудудларида ревматоид артрит кечишининг ретроспектив ва проспектив таҳлил натижалари**» деб номланган учинчи бобида БВКТТМ ревматология бўлимида 2018-2021 йиллар давомида даволанган жами 1245 нафар бемор тиббий ҳужжатлари ретроспектив ўрганиб чиқилиб, уларнинг 647 нафари Бухоро вилоятининг қуруқ, чўл иқлимли - Газли, Олот, Қоракўл туманларида


истиқомат қилувчи I ҳудудига, ҳамда 598 нафари ярим қуруқ иқлимли - Бухоро, Когон, Ғиждувон туманларида яшовчи II ҳудудига мансуб эди.

Беморлар ёши 18 дан 65 гача бўлган оралиқни ташкил қилиб, I ҳудудда асосан 51 ёшдан ошган РАли беморлар 22%, II ҳудудда 18-30 ёшдаги беморлар гуруҳи 44% дан иборат эди. Беморлар орасида аёллар нисбати эркакларга қараганда етакчилик қилиб (аёллар 70%, n=872; эркаклар 30%, n=373; 3:1 нисбат), қуруқ ва ярим қуруқ ҳудудларда беморларнинг жинси бўйича тақсимланишда ишончли тафовутлар аниқланмаган. Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг каттагина қисми РА касаллиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, I ва II гуруҳ ногиронлик II ҳудудда 42 % (n=251) беморларда аниқланган бўлса, I ҳудудда ушбу кўрсаткич 80% (n=517) ни ташкил қилган.


Изланишлар давомида ҳудудлардаги бўғим синдроми таҳлил қилинганда муайян тафовутлар кўзга ташланади. II ҳудудда асосан проксимал фалангаларо ва панжа қафт бўғимларининг (58,5% ва 10,9%) зарарланиш кузатилган бўлса ($p < 0,01$), I ҳудуддаги беморларда ($p < 0,01$) тизза ва чаноқ-сон каби катта бўғимларнинг (31,2% ва 47,3%) зарарланиши устунлиги қайд этилган.

Беморларнинг рентгенологик ўзгаришлари таҳлил қилинганда, I ҳудудда беморлар рентгенологик босқичлари тез суръатларда авж олиши (касаллик бошланганидан 2 йил ичида эрозияларнинг пайдо бўлиши ёки 4 йилда III ва IV рентгенологик босқичларнинг юзага келиши) 64,9% ҳолларда аниқланди (1-расм). II ҳудудда эса рентгенологик ўзгаришларининг нисбатан секин суръатларда ривожланиши (56,8%) кузатилган ($p < 0,05$).

Жами 1245 нафар РА беморлардан 487 (39,1%) нафарида ҳамроҳ аутоиммун касалликлар аниқланиб, улар орасида аутоиммун тиреоидит билан ассоцирланиш ҳолатлари 361 (29 %) нафар беморда кузатилди (2-расм). Шунингдек, I ҳудудда АИТ билан ассоцирланиш ҳолатлари 252 нафар (69,8%), II ҳудудда эса 109 нафар (30,1%) беморлар гуруҳлари ўртасида тафовутлар аниқланди ($p < 0,05$).



1- расм. Рентгенологик белгиларнинг ҳудудлараро тафовути (%)




2–расм. Худудларда АИТ билан ассоцирланган РА беморлар нисбати (%)

Тадқиқотнинг проспектив таҳлили учун РА ташҳиси тасдиқланган, касаллик давомийлиги $8,01 \pm 3,8$ йил бўлган 120 нафар $50,5 \pm 5,6$ ёшдаги беморлар танланган. Улар Бухоро вилоятининг қуруқ, чўл худудлари: Қоракўл, Газли, Олот туманларида яшовчи (I худуд, $n=60$) ва ярим қуруқ худудлари: Бухоро туман, Когон, Ёғдудон туманида истиқомат қилувчи (II худуд, $n=60$) беморлардан иборат бўлиб, АИТнинг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш мақсадида РА + АИТ ($n=60$) ва РА ($n=60$) гуруҳларига ажратилди. Барча беморлар дастлаб қалқонсимон без дисфункциясини аниқловчи сўровнома тўлдириб чиқишди. Сўровнома натижаларига кўра, бир неча клиник белгилар РА + АИТ ва РА гуруҳлари орасида юқори ишонччилик билан тафовутланди, яъни шишларнинг кучайиши ($\chi^2 - 11.4$ $p=0,001$) 75% ва 33%, кескин ифодаланган чарчоқ ($\chi^2 - 12.6$ $P=0,001$) 70% ва 30%, тери қуруқлиги ($\chi^2 - 12.6$, $P=0,001$) 75% ва 25 % шунингдек, қабзият ($\chi^2 - 17.8$ $P=0,001$) 80% ва 20% беморларда аниқланган. Секинлашган реакция РА + АИТ гуруҳида 75%, РА гуруҳида 54%, хотиранинг ёмонлашуви 55% ва 45 %, тана вазнининг ортиши 30% ва 18% беморларда кузатилиб, РА + АИТ гуруҳида РА гуруҳига нисбатан ишончли фарқлар аниқланди ($P < 0,05$; $P < 0,01$). Сўровнома ёрдамида тиреоид патологияси хавфи бор беморларда кейинги мақсадли текшириш режаси тузилди.

Шунингдек, РА + АИТ ҳамда РА беморлар гуруҳи орасида ҚБ гормонлари ва антитаналар (ТПО га АТ, ТГ га АТ) миқдори қийсий таҳлил қилинди. Натижада ТТГ қиймати РА + АИТ гуруҳида РА гуруҳига нисбатан 1,8 маротаба юқори нисбатларда аниқланди ($4,2 \pm 4,1$, $2,3 \pm 1,5$, $p < 0,01$). ТПО га АТ титрлари РА + АИТ гуруҳида РА гуруҳига нисбатан ишончли юқори қийматга эга бўлиб ($87,3 \pm 12,2$ ва $18,1 \pm 40,2$ $p < 0,01$), ТГ га АТ миқдори эса РА гуруҳига

нисбатан 5,75 мартаба ($81,1 \pm 39,6$ ва $14,1 \pm 38,4$ $p < 0,01$) ишончли юкори нисбатда аниқланди (3-расм).



*- РА гуруҳга солиштирилганда фарқлар ишончли, $p < 0,01$

3– расм. РА ва РА + АИТ беморларда ҚБ гормонлари ва антитиреоид антиганалар нисбати

РА+АИТ ($n=60$) беморлардан 22 нафарида (36,7%) субклиник, 9 нафарида (15%) манифест гипотиреоз ҳамда 29 нафар (48,3%) беморда эутиреоид тиреоидит аниқланиб, умумий беморлар тузилмасида мос равишда 18,3%, 7,5% ва 24,2% ни ташкил этади. Тадқиқотга жалб қилинган беморлар орасида ҚБ гиперфункцияси - гипертиреоз ҳолати рўйхатга олинмади.

Маълумки, РА ривожланиши ва авж олишида бир неча лаборатор таҳлилларидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Турли адабиётлар маълумотларига кўра, липидлар миқдори ва артериал босим даражаси яллиғланиш жараёнининг фаоллигига, шу жумладан РАнинг фаоллик даражасига таъсир қилади (Gonzalez-Gay M. A., Gonzalez-Juanatey C., 2014). Шу сабабли тадқиқотда яллиғланиш ва метаболик синдромни баҳоловчи лаборатор таҳлиллар (холестерин, глюкоза, тана вазни индекси, сийдик кислота) ҳам қиёслама таҳлил қилинди. Наҳордаги глюкоза ва сийдик кислотасининг юкори титрлари РА+АИТ барча функционал гуруҳларида РА гуруҳига қараганда ишончли тафовутланди (1-жадвал).

Адабиёт манбаларига қараганда, қондаги глюкоза миқдорининг ортиши яллиғланиш фаоллиги ва метаболик синдром ривожланиши билан бевосита боғлиқ (Garcia-Carbonell R. et al., 2016). Қатор муаллифларнинг фикрича, (Zhu Y. et al., 2014), сийдик кислота инсулинорезистентликнинг ишончли индикаторларидан бири бўлиб, РА да инсулинорезистентликнинг кузатилиши касаллик кечишини оғирлаштиради.


**Умумий яллиғланиш ва метаболик кўрсаткичларнинг таҳлили
натижалари**

| Кўрсаткичлар | РА n=60 | РА+АИТ субклиник гипотиреоз n=22 | РА+АИТ манифест гипотиреоз n=9 | РА+АИТ эутиреоз n=29 |
|---------------------|------------|---|---|----------------------------|
| ЭЧТ | 35,4±8,4 | 40±12,1 [#] | 45±15,4 [*] | 37,6±14,1 |
| СРО | 17,7±12,4 | 20,3±45,6 [#] | 22,4±40,3 [*] | 18,4±6,6 |
| РО | 93,4±16,8 | 141,2±20,5 ^{##} | 150,5±24,7 [*] | 101,7±15,4 |
| ЦЦПА | 9,4±3,2 | 27,3±5,2 ^{##} | 36,4±7,1 [*] | 16,4±6,4 |
| ХС | 5,4±1,2 | 5,7±1,1 | 5,9±1,3 | 5,6±1,4 |
| Глюкоза | 5,9±0,36 | 6,7±0,42 | 6,8±0,52 [*] | 6,2±0,55 |
| Креатинин | 72,4±3,1 | 74,2±3,4 | 76,3±2,56 | 75,5±2,67 |
| Сийдик кислотаси | 260±13,5 | 276,7±12,4 | 322,4±12,8 [*] | 267,5±16,2 |

Изох:- Р- гуруҳлар кўрсаткичлари фарқи ишончилиги: ишончли - * $p < 0,05$; ўртача - ** $p < 0,01$; ***юқори ишончли - $p < 0,001$; #- 1 – ва 2 – гуруҳлар, * - 1 – ва 3 – гуруҳлар ва ^Δ - 1 ва 4 гуруҳлар кўрсаткичлари фарқи ишончилиги.

РА+АИТ субклиник гипотиреоз гуруҳида серопозитив ЦЦПА ва РО кўрсаткичлар 27,3±5,2 ва 141,2±20,5 ни ташкил этиб, РА гуруҳига (9,4±3,2 ва 93,4±16,8) нисбатан 65,5% ва 33,8% юқори натижа қайд этилди (##** $p < 0,01$). Серопозитив ЦЦПА ва РО кўрсаткичлари АИТ билан ассоцирланган РАда касалликнинг оғирроқ кечишининг прогностик белгиси эҳтимолини белгилайди ($p < 0,01$).

РА клиник хусусиятлари ҳамда тиреоид статус орасидаги корреляцион боғлиқликлар 4-расмда акс эттирилган. Бунда ТПОга АТ ҳамда ТТга АТлар билан эрталабки карахтлик, шишган бўғимлар сони (ШБС), оғриган бўғимлар сони (ОБС), ДАС 28 орасида тўғри корреляцион боғлиқликлар мавжуд бўлиб, ТПО га АТ ва ТТ га АТ билан касаллик фаоллиги ўртасида 0,736 ва 0,649 боғлиқлик билан ишончли корреляцион тафовут аниқланди.



4 -расм. РА клиник хусусиятлари ва тиреоид статус корреляцияси

Фақатгина, тиреотроп гормони (ТТГ)нинг касаллик фаоллиги яъни DAS 28 орасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланиб, эркин Т3 ва эркин Т4 титрлари ушбу индикаторлар орасида боғлиқлик аниқланмади.

Диссертациянинг «**Аутоиммун тиреодит билан ассоцирланган ревматоид артритда касаллик фаоллиги, давомийлиги ва бўғим синдромининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган бўлимида, бир томондан, қалқонсимон без дисфункциясининг оғирлик даражаси, бошқа томондан РАнинг фаоллиги, артрит босқичи, касалликнинг давомийлиги ўртасидаги узвий боғланишлар таҳлил қилинган.

РАнинг фаоллик даражаси ортгани сайин бунга мос равишда ТТГ ва антитиреодит антитаналар титрининг пропорционал ортиши кузатилиб, қайд этилган натижалар ишончли қийматга эга: II фаоллик даражаси РА да ТТГнинг миқдори $5,4 \pm 0,5$ ни, III фаоллик даражаси РАда унинг қиймати $6,8 \pm 0,5$ ни ташкил этади (2-жадвал).

2 - жадвал

АИТ билан ассоцирланган РАда фаоллик даражасига кўра тиреодит статусининг таҳлили, n=60


| Фаоллиги бўйича РА+ АИТ | ТТГ(мк МЕ/мл) | эТ3 (пг/мл) | эТ4 (пг/мл) | ТПО га АТ(IU/мл) | ТГ га АТ (МЕ/мл) |
|---|--------------------|-----------------|-----------------|---------------------|----------------------|
| I фаоллик (DAS28 <3,2) n=14 | $3,5 \pm 0,8$ | $2,1 \pm 0,5$ | $5,1 \pm 0,5$ | $46,1 \pm 0,4$ | $62,1 \pm 0,6$ |
| II фаоллик ($3,2 < DAS28 < 5,1$) n=19 | $5,4 \pm 0,5^*$ | $1,4 \pm 0,5$ | $3,1 \pm 0,6$ | $65,3 \pm 0,6$ | $82,8 \pm 0,5$ |
| III фаоллик (DAS28 >5,1) n=27 | $6,8 \pm 0,5^{**}$ | $1,6 \pm 0,5$ | $1,1 \pm 0,6^*$ | $96,1 \pm 0,6^{**}$ | $114,8 \pm 0,6^{**}$ |

*p<0,05, **p<0,01

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, РА фаоллик даражасининг юқорилиги АИТ равожланиш эҳтимолини белгилайди, чунки, РАнинг фаоллик даражаси ҳамда DAS 28 индекси ва тиреотроп гормон (ТТГ) миқдори ўртасида ишончли корреляцион боғлиқлик мавжуд (5-расм).

Диссертациянинг «**Арид ҳудуд ревматоид артритли беморларда аутоиммун тиреодит ривожланишининг хавф омили сифатида**» деб номланган бўлимида кўпгина адабиётларда келтирилган маълумотларига кўра АИТ ривожланиши ташқи муҳит омилларига боғлиқлиги таъкидланган. Ноқулай иқлимий-экологик ҳудудлар сифатида Газли, Олот, Қоракўл туманлари (I ҳудуд) эътироф этилган.


Маълумки, РАга чалинган беморлар об-ҳавонинг ўзгаришларига метеологик сезувчанликнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳудудлардаги асосий иқлим кўрсаткичлари орасидан қуйидаги физик омиллар танлаб олинди: иқлим ўртача индекси – $K_{\text{ўр}}$, ҳаво дағаллик кўрсаткичи - S , иқлим ўзгарувчанлик индекси - K_i ва ҳаво намлиги - f .




5-расм. DAS 28 фаоллигининг ТТГ ва ТПО га АТ орасидаги корреляцион боғлиқлик (балларда)

Таҳлил натижасида, иқлим ўртача индекси пасайиши билан РА фаоллик даражасининг ортиши орасида корреляцион ишончли фарқ аниқланган. Аммо ҳудудлардаги қолган уч физик омиллар таъсирининг ортиши касалликнинг фаоллик даражасига тўғри пропорционал (6 - расм).

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, иқлим омилларининг АИТ билан ассоцирланган РА кечишига таъсири катта бўлиб, бунда ўртача иқлим индекси ва ТПО га АТ ўртасида (-0,71) манфий корреляцион боғлиқлик мавжуд. Ҳаво дағаллик кўрсаткичи, иқлим ўзгарувчанлиги индекси ва ҳаво намлиги каби кўрсаткичлар билан ТПОга АТ орасида (0,56, 0,61, 0,5) мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланган. Фақатгина ТТГ гормони ҳамда иқлим омиллари ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланмади (7-расм).



6- расм. Физик иқлим омиллари ҳамда РА фаоллик даражаси орасидаги корреляцияси



7-расм. Физик иқлим омиллари ҳамда РА фаоллик даражаси ва тиреоид статус орасидаги корреляцияси

Диссертациянинг «Ревматоид артритни даволаш негизда аутоиммун тиреоидитнинг клиник-лаборатор хусусиятлари» номли тўртинчи бобида РА беморларни даволашда тиреоид статусдаги ўзгаришларни баҳолаш мақсадида улар 2 гуруҳга ажратилган: базис модификацияловчи (БМ) дори воситалари ($n=60$) ва метотрексат+ген-инженер (МТ+ГИ) биологик дори воситалари қабул қилувчи беморлар гуруҳи ($n=60$).

БМ ва ГИ дори воситаларининг РА фаоллиги кўрсаткичлари ва таҳлиларида даволашдан олдин ва даволашдан кейинги қийматларнинг ишончли статистик фарқларига эришилган (3-жадвал). Бунда ОБС ва ШБС БМ билан даволашдан кейин $4,2 \pm 1,2$ ва $3,4 \pm 0,21$ ни ташкил қилиб, ГИ билан даволаш натижасида ОБС нинг 1,02 баравар ва ШБС нинг 1,13 баравар камайиши кузатилган. Касаллик фаоллик даражаси даволашдан сўнг БМ гуруҳда $4,6 \pm 0,07$, ГИ даволаш гуруҳида $3,7 \pm 0,04$ ни ташкил қилиб, ГИ дори воситасини қабул қилувчи беморлар гуруҳида базис дори воситаларини қабул қилувчиларга нисбатан 1,24 баравар самарадорлик аниқланган.

Шунингдек, даволаш тадбирларининг самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида EULAR тавсияларига кўра DAS28 индекси, ACRнинг (ACR20, ACR50 ва ACR70) ижобий динамикасини % бўйича баҳолаш асосида олиб борилди (8-расм).

МТ+ГИ биологик дори воситалари билан даволанган беморларда ACR 20% бўйича яхшиланиш 16 нафар (26,7%), ACR 50% бўйича 20 (33,3%) нафар ва ACR 70% бўйича эса 22 нафар беморда (36,7%) яхшиланиш кузатилди. 2 нафар беморда терапевтик самарадорлик кузатилмади (3,3%).

БМ ва ГИ даволаш негизда асосий клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгаришлари


| Симптомлар | БМ n=60 | ГИ n=60 |
|-----------------------------|--|---|
| | Даволашдан олдин Даволашдан кейин | Даволашдан олдин Даволашдан кейин |
| ОБС | $9,8 \pm 1,4$ $4,2 \pm 1,2^*$ | $12,2 \pm 1,5$ $4,1 \pm 1,1^\diamond$ |
| ШБС | $5,8 \pm 0,46$ $3,4 \pm 0,21^*$ | $6,1 \pm 1,4$ $3,0 \pm 1,1^\diamond$ |
| Эрталабки карахтлик, мин | $80,4 \pm 3,2$ $37,3 \pm 2,6^*$ | $81,4 \pm 4,6$ $24,3 \pm 2,4^{\diamond\Delta}$ |
| DAS – 28 индекси | $5,9 \pm 1,6$ $4,6 \pm 0,07^*$ | $6,1 \pm 1,3$ $3,7 \pm 0,04^{\diamond\Delta}$ |
| SDAI индекси | $24,6 \pm 10,3$ $10,4 \pm 6,3^*$ | $25,3 \pm 8,6$ $9,3 \pm 5,1^\diamond$ |
| HAQ | $1,41 \pm 0,12$ $1,2 \pm 0,06^{**}$ | $1,42 \pm 0,14$ $0,91 \pm 0,02^{\diamond\Delta}$ |
| CPO | $22,6 \pm 6,4$ $8,4 \pm 3,1^*$ | $23,6 \pm 6,7$ $5,6 \pm 2,3^{\diamond\Delta}$ |
| ЭЧТ | $36,8 \pm 2,3$ $22,5 \pm 1,6^{**}$ | $41,3 \pm 3,4$ $20,6 \pm 1,5^\diamond$ |

* - БМ билан даволаш фониди фарқлар ишончилиги, $p < 0,05$

◇ - ГИ билан даволаш фониди фарқлар ишончилиги, $p < 0,01$

Δ - даволашдан кейин БМ гуруҳига нисбатан фарқлар ишончилиги, $p < 0,05$

ACR 20 % самарадорлик кузатилган беморлар тиреоид статусида статистик ўзгаришлар аниқланмади. 50 % яхшиланиш кузатилган беморларда эса, эТ4, ТТГ, ТПО га АТ ва ТГ га АТ қийматларининг статистик пасайиши кузатилган.



8 –расм. Базис ва ген-инженер дори воситаларининг ACR 20, ACR 50 ва ACR 70 ижобий динамикасининг таққослама таҳлили (%)

Тадқиқот доирасида олинган натижалар асосида даволаш муассасаларининг биринчи бўғинида РА беморларда АИТни эрта ташхислаш ва уларни олиб бориш мақсадида махсус мезон ишлаб чиқилган (1- илова). Ушбу тамойилга биноан, махсус сўровнома асосида аутоиммун тиреоидитга гумон қилинган беморларга қалқонсимон без функциясини кейинги мақсадли текшириш тавсия этилади. Бунда эТ3, эТ4, ТТГ, ТПО га АТ, ТГ га АТ ва УТТ таҳлиллари асосида ишончли аутоиммун тиреоидит ташхиси қўйилгач, РАли беморларда тиреоид патологияни кучайтирувчи омиллар аниқланади.

DAS-28 индекси бўйича юқори фаоллик даражали, давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлган, серопозитив (РО, ЦЦПА) РАли беморлар хавф гуруҳига киритилиб, ушбу беморларда стандарт терапия билан бирга ген-инженер биологик дори воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Биологик дори воситалари билан даволаш натижасида антитиреоид антитаналар (анти-тиреопероксидаза ишончли) миқдорининг пасайиши, эркин Т3, Т4 кўрсаткичларининг нормаллашуви ва қалқонсимон без таркибий-функционал ҳолати яхшиланиши каби самарадорликка эришилади.

ХУЛОСА

“Бухоро вилоятининг арид ҳудудларида ревматоид артрит билан биргаликда кечадиган аутоиммун тиреоидитнинг ўзига хос кечиши” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. РА беморлар орасида бошқа аутоиммун касалликлар учраши таҳлил қилинганда, етакчи патология сифатида 29% АИТ билан ассоцирланиш ҳолатлар аниқланган. РАнинг кечишида ёши, бўғим синдроми, рентгенологик босқичлари ва коморбидлиги таҳлиliga кўра I ва II ҳудудларда тафовутлар аниқланган. Беморларнинг тизза ва чанок-сон бўғимлари шикастланиши I ҳудудда (31,2% ва 47,3%) II ҳудудга нисбатан устунлиги қилган ($p < 0,01$). Шу ҳудудда беморларнинг рентгенологик босқичлари тез суръатларда ривожланиши 64,9% қайд этилган ($p < 0,05$).

2. III фаоллик даражали РАда ТТГ қиймати $6,8 \pm 0,5$ ни ташкил этиб, АИТ ассоцирланмаган беморларга нисбатан 1,26 маротаба юқори қийматлар қайд этилган ($p < 0,01$). РА давомийлиги 10 йилдан ошган беморларда давомийлиги 5 йилгача бўлган беморларга нисбатан ТТГнинг миқдори 1,24 маротаба, ТПОга АТ 1,29 маротаба ва ТГга АТ 1,15 маротаба юқори қийматлари кузатилиб, статистик ишончли фарқ аниқланган ($p < 0,05$, $p < 0,01$). Бўғим функционал ҳолати бўйича рентгенологик ўзгаришларнинг кучайиши, касаллик фаоллигига мос ҳолатда тиреоид гормонларнинг статистик силжишлари характерли бўлган ($p < 0,01$). РАнинг юқори фаоллиги, 10 йилдан ортиқ давомийлиги ҳамда серопозитив тури АИТ ривожланишини кучайтирувчи омиллар сифатида назоратга олинган.

3. Қуруқ чўл ҳудуди бўлмиш I ҳудуднинг АИТ билан ассоцирланган РА беморлар гуруҳида РА гуруҳига нисбатан ногиронлик кўрсаткичлари, фаоллик даражаси ва тиреоид статус кўрсаткичларида юқори ишончли фарқлар аниқланган. I ҳудуддаги Кўр кўрсаткичи II ҳудудга нисбатан 1,14

марта пасайиши, ҳаво дағаллиги (S) нинг 1,3 маротаба, иқлим ўзгарувчанлик индекси K_i нинг 1,6 маротаба ва ҳаво намлиги (f) нинг 1,3 маротаба ортиши РА фаоллигининг ортишига ва тиреоид гормонларининг патологик силжишига сабаб бўлиб, ишончли фарқ қайд этилган ($p < 0,01$). АИТ билан ассоцирланган РА да иқлим ўртача идекси ва ТПО ўртасида (-0,71) манфий корреляцион боғлиқлик, ҳаво дағаллик кўрсаткичи, иқлим ўзгарувчанлик индекси ва ҳаво намлиги каби кўрсаткичлар билан аТПО орасида (0,56, 0,61, 0,5) мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланган ($p < 0,01$). Фақатгина ТТГ ҳамда иқлим омиллари ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланмади.

4. АИТ билан ассоцирланган РАда касалликнинг фаоллик даражаси БМ дори воситалари билан даволашдан сўнг $4,6 \pm 0,07$, ГИ дори воситалари билан даволашдан сўнг эса $3,7 \pm 0,04$ га пасайиши кузитилиб, ГИ гуруҳидаги беморларда БМ гуруҳига нисбатан 1,24 маротаба самарадорлик кузатилган. ГИ биологик даволаш негизида РА беморларда ТПО га АТнинг 2,86 баравар ($42,3 \pm 71,2$ ва $14,8 \pm 21,3$; $p < 0,01$), ТГ га АТнинг 66% га ишончли пасайиши аниқланган ($37,4 \pm 65,4$ ва $12,6 \pm 11,7$; $p < 0,001$). Шунингдек, ГИ дори воситалари билан даволанган беморларнинг 16 нафарида (26,7 %) АСР 20% яхшиланиш, 20 нафарида (33,3%) АСР 50% ва 22 нафарида (36,7%) АСР 70% самарадорлик ($p < 0,01$) кузатилди. БМ дори воситалари билан даволаш гуруҳида бирор беморда АСР 70% самарадорлик кузатилмади, аксинча ГИ дори воситалари билан даволаш орқали юқори самарадорликка эришилди ($p < 0,001$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc .04 / 30.04. 2022. № 93.02 . ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

ИСАМИТДИНОВА НИЛУФАР ШАХОБОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА С
АУТОИММУННЫМ ТИРЕОИДИТОМ В УСЛОВИЯХ АРИДНОЙ
ЗОНЫ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

14.00.05- Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
по медицинским наукам**

Бухара - 2024 г.

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2022.4.PhD/Tib.3129

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нурбоев Фармон Эргашович
доктор медицинских наук, доцент

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Таджикский государственный медицинский университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2024г. в _____ часов на заседании Научного совета DsC.04/.30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-50-00. e-mail: buhme@mail.ru)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 200118, Бухара, улица Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан " ____ " _____ 2024г

Реестр протокола рассылки № от _____ 2024 г

Д.Т. Ходжиева
председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ш. Ахмедова
ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.А. Ихтиярова
председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ревматоидный артрит (РА) — системное аутоиммунное ревматическое заболевание, характеризующееся воспалением синовиальных оболочек суставов, прогрессирующей эрозией хрящевой и костной ткани, а также с признаками поражения других органов, помимо сустава. Хронические воспалительные заболевания суставов, в частности РА являются одной из глобальных проблем для многих стран мира, которые приводят к ранней инвалидизации и нарушению качества жизни. По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно в мире заболевают 20 миллионов человек, из них 50-55% становятся инвалидами в первые 5 лет. Таким образом, РА остается одной из серьезных проблем, ожидающих своего решения в современной медицине. Внеуставные клинические признаки, в частности нарушение эндокринной системы, одна из наиболее актуальных медико-социальных проблем на сегодняшний день. Это объясняет не только то, что она занимает главное место в течении заболевания, но и возможность ранней инвалидизации. В возникновении ревматоидного артрита и аутоиммунного тиреоидита наряду с генетическими факторами имеет значение и влияние окружающей среды. Аутоиммунный тиреоидит (АИТ) – это заболевание, при котором происходит воспаление щитовидной железы вследствие аутоиммунного процесса. АИТ встречается у 2% взрослого трудоспособного населения, преимущественно у женщин, и возглавляет кластер других аутоиммунных заболеваний таких как ревматоидный артрит, сахарный диабет 1 типа, витилиго и др.

Во всем мире проводятся ряд научных исследований с целью изучения особенностей течения РА в различных климатических, географических и экологических регионах и совершенствование профилактических мер, особенно разработка стратегии реабилитации больных, страдающих рядом сопутствующих заболеваний. Развитие этих двух заболеваний приводит к тяжелой инвалидизации, снижению качества жизни, увеличению функциональных ограничений. Узбекистан, наряду со многими странами Центральной Азии, является наименее изученным регионом по климатическим характеристикам АИТ-ассоциированной с РА.

В нашей республике на сегодняшний день особенность течения АИТ ассоциированного РА является одной из наиболее актуальных медико-социальных проблем не только из-за его важной роли в течении основного заболевания, но и потому, что он может привести к инвалидизации или даже летальному исходу. «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажной службы и профилактория, поддержки здорового образа жизни и профилактики заболеваний...» такие важные задачи возлагаются на медицинский персонал. Реализация этих задач позволит повысить уровень оказываемых медицинских услуг врачей общей практики и

ревматологов, устранить факторы риска, дополнительно улучшить раннюю диагностику заболеваний суставов среди населения, что приведет к снижению уровня инвалидности.

В основу данного научного исследования были положены следующие документы: Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановление № ПП-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и Постановление № ПП-215 от 25 апреля 2022 года «О дополнительных мерах по приближению первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности оказания медицинских услуг» и другие нормативные правовые документы связанные с этой деятельностью в определенной степени.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики VI.«Медицина и фармакология».

